



КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аллаберганов Зокир Гойибович

ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss2/668

Аннотация

Корхоналар молиявий жиҳатдан барқарорлигига эришиш муҳим ва энг асосий вазифалар сирасига киради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида қатор ижобий ютуқларга эришилаётган бўлсада, ҳали ҳануз иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналар молия ресурсларидан фойдаланишда муаммоли ҳолатлар учраб турмоқда. Мақолада корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда учрадиган муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган.

Калит сўзлар: корхона, молиявий барқарорлик, иқтисодий барқарорлик, корхона даромади, корхона харажатлари, корхона фойдаси.

Abstract

Achieving financial sustainability of enterprises is one of the most important and fundamental tasks. Although a number of positive achievements have been achieved as a result of the economic reforms being implemented in Uzbekistan, enterprises operating in the economy still face problems in using financial resources. The article focuses on the problems encountered in ensuring the financial sustainability of enterprises and their solutions.

Keywords: enterprise, financial stability, economic stability, enterprise income, enterprise expenses, enterprise profit.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялашда реал секторда фаолият юритаётган корхоналарга қатор иқтисодий, молиявий имтиёз ва қулайликлар берилмоқда. Натижада, ушбу корхоналарнинг экспортдаги мавқеъи имкон даражасида сақланиб қолишига муваффақ бўлиниб, молиявий барқарорлиги таъминланишига қулай шарт-шароит яратилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва ўсиш суръати реал сектор корхоналари барқарорлигига, шу жумладан, молиявий барқарорлигига, уларнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Мамлакатни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусан, саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш ва диверсификатсия қилиш, инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада, саноат тармоқларининг нафақат барқарор фаолият юритишига, балки уларнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга эришилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг

27-мақсадида: “Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидадан 7 миллиард АҚШ долларидага етказиш; мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш; давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш”¹, - каби вазифалар қўйилган. Бундай шароитда саноат корхоналарининг ўзлуксиз молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ички ва ташқи омилларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш талаб этилади.

Адабиётлар шарҳи.

Замонавий иқтисодий адабиётларда корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича маҳаллий ва хориж иқтисодчи олимлари томонидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Б.Ҳақимов ва бошқалар томонидан нашра қилинган адабиётда “Молиявий барқарорлик бу корхоналарнинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туришини, пасаймаслигини ифодалайди” деб кўрсатади. Иқтисодиётдаги субъектлар молиявий барқарорлиги деганда уларнинг захиралар билан таъминланганлиги ва ҳаражатларни таъминлашнинг шакллантирилганлиги тушунилади. Молиявий барқарорлик корхонанинг барча ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини таъминлайди. Корхона молиявий барқарорлигининг энг асосий хусусияти корхона маблағларини шакллантириш орқали ўз-ўзини молиялаштириш эвазига тараққиётга эришиш имконияти ҳисобланади².

Шунингдек, МДҲ иқтисодчи олимларидан Г.В.Сависская молиявий барқарорлик бу хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиш имконияти, ташқи ва ички муҳит таъсирида ўзгариб бораётган ўз актив ва пасивларини мувозанатлигини сақлаши ҳамда маълум бир хавф чегара даражасида инвестицион жозибадорлик ва тўловга қобилиятлиликни кафолатлашидир. В.П.Зотов молиявий барқарорлик мазмунини бўйича анча аниқ ёндашади, унинг фикрича ишлаб чиқариш салоҳияти ҳолати ва етарли даражада молиявий барқарорлик таъминланганлиги ҳамда ўз маблағлари ҳисобидан назоратни ўрнатилганлиги ва мустақил баҳолашни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг молиявий имкониятларини баҳолашдир, деб кўрсатади.

Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётларда молиявий барқарорлик мазмунини тушунишнинг турлича ёндошувлари ва вариантлари учрайди. Хусусан, И.А.Павлова ёндашувига кўра, корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти “унинг шундай молиявий ҳолатидирки, унда корхонанинг хўжалик фаолияти унинг барча мажбуриятларини таъминлашга имкон беради”³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони.

² Бычкова С.М., Бадмаева Д.Г. Учетно-аналитические аспекты формирования и использования собственного капитала организации // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 19. С. 25 – 32.

³ Исаева Э.В. Проблемы определения сущности понятия «финансовая устойчивость предприятия» // Проблемы экономики. 2018. № 2. С. 80.

Э.В. Исаева қарашича, “корхона молиявий барқарорлиги – бу молиявий ҳолатнинг илгаригидан кўра яхшиланган ҳолатдаги ўсиб боришидир”⁴. О.Р.Кривиская фикрича, “молиявий барқарорлик корхона келгуси ривож учун аҳамиятли бўлган иқтисодий мустақилликнинг гарови бўлмиш етарли даражадаги фойда ҳажмининг мавжудлигидир”⁵. Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили “молиявий барқарорлик” тушунчаси моҳиятини тушунишга уч хил ёндошув мавжудлигини кўрсатди. Биринчи ёндошув мазкур тушунчани тор маънода тушунишни изоҳлайди ва хўжалик субъекти молиявий ҳолатининг кўрсаткичларидан бири сифатида талқин этади. Иккинчи ёндошув вакиллари эса, ўз навбатида, ушбу тушунча мазмунининг талқинида асосий эътиборларини корхона ишчан фаоллиги ва ишончилиги орқали ифодаланувчи рақобатбардошлик ва корхона ҳамда унинг ҳамкорлари иқтисодий манфаатлари самарали ижросининг кафолати бўлмиш молиявий барқарорлик кўрсаткичлари баҳоланишининг зарурлигига қаратадилар. Ва ниҳоят, учинчи ёндошув вакиллари корхона молиявий барқарорлигини молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлайдилар⁶.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг молиявий барқарорлик бўйича олиб борган илмий ёндашувлари ва иқтисодиётимизда фаолият юритаётган давлат иштирокидаги корхоналар молиявий ҳолати, уларнинг оладиган даромад ва харажатлари маълумотлари, уларни таҳлил қилиш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда ҳулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Молиявий барқарорлик корхонанинг иқтисодий барқарор ҳолатини белгилайди, шунингдек, корхонага қулай молиявий ҳолатни сақлаш имкониятни яратиш беради. Шу сабабли, турли усуллар билан амалга ошириладиган ва молия-хўжалик фаолиятининг умумий таҳлилига киритилган молиявий барқарорликни баҳолаш жуда муҳим ҳисобланади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги тор маънода - бу корхона томонидан жалб қилинган турли хилдаги молиявий ресурсларнинг маълум бир нисбати, шунингдек, бир томондан ҳар хил турдаги молиявий ресурслар ўртасидаги нисбат ва бошқа томондан эса молиявий ресурслардан фойдаланиш усулидир. Иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги, шунингдек, мулкдорларнинг даромадини максимал даражада ошириш, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкилотнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мақсадида тадбиркорлик хавфи

⁴ Исаева Э.В. Проблемы определения сущности понятия «финансовая устойчивость предприятия» // Проблемы экономики. 2018. № 2. С. 80.

⁵ Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента//Иқтисодиёт ва таълим, 2021.-№3, с.96-10

⁶ Вурханов А.У. Sanoat korxonalarini moliyaviy barqarorligini baholash usuli// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2018 yil,

ва ўзгарувчан ишбилармонлик муҳити шароитида асосий ҳамда бошқа фаолият турларини амалга ошириш маҳорати сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин

Шундай қилиб, корхоналарнинг барқарор ишлаши ва ривожланиши, авваламбор, уларнинг ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга ўз вақтида ва етарли даражада жавоб бериш қобилияти билан белгиланади, бу молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичларда намоён бўлади. Қайд этиш керакки, корхона ва аҳолининг ихтиёридаги бўш турган пул маблағларининг вужудга келиши оқибатида уларнинг инвестицион салоҳият ошганлигини билан изоҳлаш мумкин⁷. Шу сабабли, корхонанинг молиявий ҳолатини тизимли равишда ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш, иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар тенденциясини кузатиш зарур. Фақатгина бундай ёндашув тадбиркорлик субъектларининг муваффақиятли ишлаши ва ривожланишига қаратилган самарали бошқарувни таъминлайди. Корхонанинг молиявий барқарорлиги учун зарур ва етарли шарт унинг молиявий хавфсизлигини таъминлашдир ва унинг молиявий хавфсизлигига эришиш фақат корхонанинг молиявий барқарорлиги таъминланган тақдирдагина мумкин бўлади.

Маълумки, жаҳон иқтисодиётида саноат соҳасини ривожлантириш, улар фаолиятига инновацион жараёнларни татбиқ этиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарини модернизация қилиш, бошқарувнинг замонавий ва самарали усуллари қўллаш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. «Дунё бозоридаги илмий ҳажмдор маҳсулотларнинг 36 фоизи АҚШ, 30 фоизи Япония, 22 фоизи Хитой давлати ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда саноат корхоналари нисбатан устуворликка эга бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун саноат соҳасидаги корхоналарни трансформация қилиш жараёнларини янада тезлаштириш зарур ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида 2020-2023 йилларда 2,5 мингта давлат активларининг хусусийлаштирилиши натижасида иқтисодиётга 1 млрд. доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди, 79 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиб, хусусийлаштирилган корхоналарнинг солиқ тушумлари 1,3 баробарга, соф активлари 1,5 баробарга ошди. Давлатив агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида асосий мақсад ва йўналишлардан бири сифатида белгиланган давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашувини чеклаш, давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш орқали иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини оширишга қаратилган. Жумладан, давлат компанияларини трансформация-лашни жадаллаштирилиши асосида миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бунинг учун “Навоий кон-металлургия комбинати”, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзбекгидроенерго”, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятлари халқаро молия бозорига чиқиб, давлат кафолатисиз маблағ жалб этиш имкониятига эга бўлиши учун чора-тадбирларни

⁷ О.Т.Астанакулов, Х.С.Асатуллаев Хорижий инвестициялар – иқтисодий тараққиёт омили сифатида. Иқтисодиёт ва таълим журнали. 2018 №1, 120-бет.

амалга ошириши белгилаб берилган. Умуман олганда саноат корхоналари фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан тармоқ ёки соҳада амалга оширилаётган трансформация жараёнларининг хусусиятига, ташқил этилган бошқарув ва унинг таркибий тузилмасига боғлиқ. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси доирасида давлат иштирокидаги корхоналар сонини 2025 йилга қадар 75 фоизга қисқартириш бўйича қўйилган режани амалга ошириш мақсадида қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ, 2023 йил якуни билан давлат иштирокидаги корхоналар сони, хусусийлаштириш мақсадида қабул қилиб олинган корхоналарни ҳисобга олмаганда 50 фоиздан ортиққа қисқартиришга эришилди. Жумладан, 304 та давлат муассасалари тугатилди, 210 таси қайта ташкил этилди. Натижада 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра давлат иштирокидаги корхоналар сони 2116 тани ташкил этди. Ўтган ҳисобот йилида давлат иштирокидаги корхоналарни самарали бошқариш, уларда замонавий корпоратив усуллари кенг жорий этиш юзасидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2022-2023 йилларда давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг даромадлари (млрд.сўм)

Корхона номи	Жами даромад			Шундан			
	2022 й.	2023 й.	Ўсиш сурати, %	соф тушум		молиявий даромад	
				2022 й.	2023 й.	2022 й.	2023 й.
“Навоий кон металлургия комбинати” АЖ	58017,7	67893,1	117,0	56620,4	67516,3	1344,4	339,4
“Uzgastrade” АЖ	14076,1	40 267,1	286,1	8650,0	21585,4	191,0	1076,6
“Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ	33 713,4	33 508,5	99,4	30502,2	31048,3	2 871,6	1934,1
“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ	1115,1	31759,8	2848,2	424,9	29322,0	579,4	85,0
“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	21944,1	31043,6	141,5	21442,0	30759,3	291,2	145,3
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	18274,5	22783,7	124,7	13254,9	14744,7	4333,5	5595,8

Даромадлар корхоналарнинг жами даромадлари 484106,1 млрд.сўм (2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 135,5%)ни ёки ЯИМга нисбатан 45,4 фоизни ташкил этган, жумладан тижорат банкларнинг даромадлари 73 050,9 млрд.сўм, 41 та йирик корхоналарнинг даромадлари 250 416,8 млрд.сўм, бошқа даромадлари 36724,1 млрд.сўмни ташкил этган. корхоналарнинг Даромадларнинг таркибида соф тушумнинг улуши 82,3 фоиз, молиявий даромад 10,3 фоиз ва бошқа даромадлар 7,4 фоизни ташкил этади. Энг кўп даромад олган корхоналар: “Навоий КМК” АЖ - 67 893,1 млрд.сўм (жами улуши 14,0%); “UZGASTRADЕ” АЖ – 40 267,1 (8,3%); “Олмалиқ КМК” АЖ - 33508,5 млрд.сўм (6,9%); “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ - 31759,8 млрд.сўм (6,6%); “Ўзбекистон МЭТ” АЖ - 31043,6 млрд.сўм (6,4%); “Ўзбекнефтгаз” АЖ - 22783,7 (4,7%);

Ушбу корхоналарга жами даромаднинг 46,9 фоизи ёки 227 255,9 млрд.сўми тўғри келади. Бунда 793 та корхоналарнинг даромадлари ўтган йилга нисбатан кўпайган, 517 та корхоналарда камайган, 19 та корхоналарда ўзгармаган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2022-2023 йилларда давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг даромадлари (млрд.сўм)

Корхона номи	Харажатлар		шундан		
	Жами	ўсиш	Таннарх	Давр харажатлари	Молиявий харажатлар
“Навоий кон металлургия комбинати” АЖ	36590,1	114,3	23548,5	9651,5	3390,1
“Uzgastrade” АЖ	43955,1	243,7	40559,6	40,5	3355,0
“Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ	22527,4	100,7	12652,6	6140,0	3734,8
“Худудий электр тармоқлари” АЖ	32255,6	2752,8	24295,2	6966,6	993,8
“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	33942,8	129,1	33008,3	380,8	553,6
“Ўзбекнефтегаз” АЖ	22171,7	130,5	11659,8	5306,3	5205,7
“Ўзтрансгаз” АЖ	13694,2	59,9	7811,4	1684,4	4198,4
“Uzbekistan airways” АЖ	15775,5	115,7	12367,5	781,3	2626,8
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	15234,0	618,2	13753,3	646,3	834,4
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	15227,0	113,6	10075,6	2014,5	3136,9

Корхоналарнинг жами харажатлари 365135,2 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 129,7 фоизни ташкил этган. Жумладан, харажатларнинг 72,4 фоизи (254579,7 млрд.сўм)ни таннарх, 17,9 фоизи (65229,8 млрд.сўм)ни давр харажатлари, 12,4 фоизи (45325,6 млрд.сўм)ни молиявий харажатлар ташкил этган. Бунда 826 та корхоналарда харажатлар ўтган йилга нисбатан кўпайган бўлса, 579 та корхоналарда эса, харажатлар камайган, 25 та корхоналарда ўзгармаган. Корхоналарнинг жами харажатлари улар даромадларининг 75,4 фоизини ташкил этади. Бунда, 407 та корхоналарнинг харажатлари улар даромадларидан кўп ҳисобланади. Таннархнинг соф тушумдаги улуши фоиз (254 579,7 млрд.сўм)ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўртача 2,3 фоизга камайган. 63,9 Таннарх 393 та корхоналарда ўтган йилга нисбатан ўсган бўлса, 533 тасида камайган, 17 тасида ўзгармаган. Шунингдек, 92 та корхоналарда таннарх соф тушумдан ва 61 та корхоналарда эса уларнинг жами даромадидан юқори ҳисобланади, яъни, уларнинг даромадлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (хизматлари) таннархни қоплашга етмайди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида ва олиб борилган таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш учун корхоналар жорий ликвидлилик даражасини ошириш учун корхона ўз маблағларидан бир қисмига

қимматли қоғозлар сотиб олиш ҳамда қимматли қоғозларни сотилиши ва нақд пулга айланиши нуқтаи-назаридан бошқа корхона ҳамда хўжалик юришти субъектларига нақд пул кўринишидаги мажбуриятларни тўлаб бериш имкониятини яратиш.

Иккинчидан, шиддат билан ўсиб бораётган ва янгиликларга бой бўлаётган бир пайтда корхоналарда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун уни молиялаштириш имкониятини ошириш, олинган фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни модернизациялаш ва янги рақамли технологияларни киритиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони.

2. Бычкова С.М., Бадмаева Д.Г. Учетно-аналитические аспекты формирования и использования собственного капитала организации // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 19. С. 25 – 32.

3. Исаева Э.В. Проблемы определения сущности понятия «финансовая устойчивость предприятия» // Проблемы экономики. 2018. № 2. С. 80.

4. Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента//Иқтисодиёт ва таълим, 2021.-№3, с.96-10

5. Burxanov A.U.Sanoat korxonalarini moliyaviy barqarorligini baholash usuli// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2018 yil,

6. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2023 йилдаги фаолияти натижадорлиги ва давлат мулкидан фойдаланиш ҳолати тўғрисида йиғма ҳисобот 2024 йил, август.

7. О.Т.Астанакулов, Х.С.Асатуллаев Хорижий инвестициялар – иқтисодий тараққиёт омили сифатида. Иқтисодиёт ва таълим журнали. 2018 №1, 120-бет.

8. Strategic Support for Accounting for the Investment Process in the Innovation Industry by Olim T. Astanakulov, Khurshid S. Asatullaev, Nodira I. Saidaxmedova, and Otamurod T. Ergashev.Journal of Advansed Research in Law and Economics. Fall 2019 Volume X, Issue 6(44).

9. О.Астанакулов, Х.Асатуллаев Иқтисодиётда корхоналар инвестициявий фаоллигини ошириш йўллари. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue – 4 (2021) / ISSN 2181-1415.